

МУҚАЛЛИДЛИК САНЪАТИ.

**Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг илмий
ходими Зулфия Комилова.**

Инсоният пайдо бўлибдики, аста-секинликда табиат билан ҳамоҳангликда онг тафаккури ўсиб борган ва шакилланганлиги тарихий манбаалардан маълум. Қадимдан токи ҳозирги кунгача давом этиб келган, аجدодларимиз томонидан сайқалланган турли миллий ўйинларимизнинг турлари бор. Шу жумладан: ошиқ ўйинлари, дорвозлик ўйинлари, масқарабозлик, кўпкари ўйинлари, хуроз ёки кўчқор уруштириш ўйинлари, аскиябозлик кабиларни олиш мумкин ва уларнинг ишқибозлари жуда кўп ҳисобланади. Бу миллий ўйинларнинг барчасининг ўз қонун-қоидалари, шартлари, миёрлари ва шунингдек моҳир ўйинчилари мавжуд. Шу қаторда қадимий ўйинлар қаторидан ўрин олган, санъат даражасига етган бу “Муқаллидлик” санъатидир. Бу санъат тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. “Муқаллид” арабча атама бўлиб, кишиларнинг қилиқ ва сўзларига тақлид ва пайров қилувчи маъносини беради. Кишиларнинг кундалик ҳаётий турмуш тарзини кузатсак, табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисаларга киши ўз хатти-ҳаракати ва имо-ишораларини ўхшатиши, мослаштириши том маънода асталикда санъат даражасига кўтарилиб, томоша санъатига айланганлигини англаб етамиз. Шу ўринда тарихнинг илк даврларига қайтадиган бўлсак, одамлар турли ҳайвонларни овлаш мақсадида уларнинг ҳаракати ва товушига ўхшатиб тақлид қилиш орқали ов жараёнларини осонлаштирганлар. Ёввойи айик, тулки, бўри ва шунга ўхшаш ёввойи ҳайвонларни овозини ўхшатиб, маъ-лум бир манзилга чорлаганлар. Сўнгра кўпчилик бўлиб ҳайвонга хужум қилганлар. Кейинчалик чолғу ихтиро этилгач, улар ёрдамида турли парранда-даррандаларнинг товушига мос ҳолат ва усулларни қўллашганлиги кўриниши муқаллидликнинг дастлабки кўринишларидан бўлган. Инсон киёфаси, унинг хатти-ҳаракати, овозига тақлид эса, бу санъатнинг бир даражасига киёслаш мумкин. Бу санъат тури этик ва эстетик талаблар дорасида ижро этиб берилиши, шартларини амалга оширилиши муҳимдир. Агарда бу санъатнинг шартларини муқаллидчи бажармаса кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Шу билан

бирга муқаллид ҳаракатида тақлид шахсни қалака қилиш ёхуд масхаралаш эмас, балки самимий ҳазил тариқасида бера олиши муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ томошаларида қизиқчилик, масхарабозлик, муқаллидлик ва аскиябозликларнинг барчаси уйғунлашиб кетади. 15-асрнинг иккинчи ярми ва 17-асрнинг бошларидаёқ бу муқаллидлик санъати ўзига хос санъат сифатида халқимиз ўртасида машҳурликка эришган эди. Муқаллидлик бир қанча вақт ўтгандан сўнг масхарабозлик ва кўғирчоқ-бозлик каби санъатларнинг таркибига сингиб кетди. Нодир адабиётлар битикларида ҳам муқаллидлик санъати борасида кўплаб манбаалар мавжуд. Жумладан тарихчи олим Зайниддин Восифийнинг қаламига мансуб бўлган “Бадое ул-вақое” номли асарида ёзилишига кўра, эрта тонгда ўз боғининг ўртасидаги чорбоғда дам олаётган Алишер Навоийнинг ҳузурига ҳофиз Гиёсиддин Дехдор ташриф буюради. Бегона кишига кўзи тушган Навоий хазратлари унинг кимлигини сўраганда, Гиёсиддин Дехдор шундай жавоб беради. “Мен ҳофиз, қиссахон, толиби илм, ошпаз ва яна муқаллиддурман”. Бу жавобни эшитган Навоий ундан ўзининг хунарини намоиш этишини сўрайди. Гиёсиддин Дехдорнинг тақлидидан Алишер Навоий бобомиз билан бирга шу ерла нозир бўлган боғбон ва Навоийнинг ғуломи ҳам кулавериб юмалаб қолдилар. Ушбу жумлалардан кўриниб туриб-дики уша даврда ҳам муқаллидлик санъати ривожланиб борган. 17 аср муқаллидлиги оламида бу санъат тури билан халқимиз ўртасида Ҳофиз Дехдор, Гиёсиддин Муҳаммад, Абдулла Девона кабилар таниқли ҳисобланган эдилар. Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар асарига эътибор қаратадиган бўлсак, асардаги маҳаллий бозордаги уша даврнинг хон ва амалдорлари юргизаётган зулмли сиёсатга қарши муносабат билдиришнинг наъмунаси кўғирчоқ театридаги ҳолатни олиш мумкин. Унда парда ортида Мусурмонқул ва Худоёрхоннинг қиёфалари ишланган кўғирчоқ халққа намоиш этилади. Халқ уша давр сиёсатини кулги остига олган бу кўринишга ўз муносабатларини билдирганлар. Демак уша давр муқаллидлик санъати ҳам ўзига хос мавқега эга бўлганди. Муқаллидлик санъати халқ фалклорининг лапар ва айтишувларида ҳам намоён бўлган эди. Масалан фалклорлар ўзлари томонидан куйланган халқ оғзаки ижодлари наъмуналарини куйлашлари давомида момақалдиروқнинг гумбирлаши,

Ёмғирнинг ёғиши, кучли шамолнинг эсиши натижасида чиқадиган шовқинга, бўрон, довулга тақлид қилишлар табиат ҳодисалари турига кирса, товушга тақлид, ҳолатга тақлидлар муқаллидликнинг доирасида ҳам мавжудлигини кўришимиз мумкин. 19-асрнинг дастлабки давларидан бошлаб таъриф бериб ўтган муқаллидлик санъати элементлари ўзбек анъанавий театри таркибида кўриниш бера бошлайди. Айниқса Қўқон хонлиги ҳудудида, Фарғона ва Тошкентда русм бўлган қизиқчилик ўзига ҳос ўрин тутди. Бу жараёнда ижрочини қизиқчи, тўда бошлиғи ва иш юритувчиси корфармон деб аталган эди. Унинг ижро этадиган репертуарини танқид ва муқаллид жанрларидаги ҳажвий ва юмористик комедиялар, кулгили ҳикоялар ташкил этган. Қизиқчилик оғзаки драматургияга асосланган. Бунда кўрсатиладиган томошаларнинг фабуласи, сюжети, айрим барқарор савол-жавобларининг барчаси маълум бўлиб, қизиқчилар томонидан олдиндан ўзлаштирилган ва шунинг ҳам асосларида ижро этиш режалаштирилган. Биз биламизки қизиқчиларнинг ижодларида асосан сўз санъатига таянган ва шу билан бирга халқ поэтик ижоди, тилимизнинг ранг-баранглиги, аскиячи, қадимий мумтоз адабиёт наъмуналаридан жуда ҳам усталик билан фойдалана билишган. Уша давр қизиқчилари миллийликка таянган ҳолда, ўзларининг сариқ ва жигарранг матодан маҳсус либослари билан ажралиб туришган. 19-аср қизиқчилик санъатига тўхталадиган эканмиз, бу давр қизиқчилари труппалари мавжуд бўлган. Жумладан барчамизга маълум бўлган таниқли Зокиржон қизиқчининг груҳида 20 дан зиёд қизиқчи уюшган ҳолда фаолият кўрсатган ва уларнинг репертуарларида юзга яқин танқид, муқаллид, кулгили ҳикоялар ва латифалар ижро этилган. Бу қизиқчи-муқаллидлар халқ орасида жуда ҳам танилиб боришган. 20-асрнинг иккинчи ярмига келиб, қизиқчи-муқаллидлар орасида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов бошчилигидаги 50 тага яқин қизиқчи қизиқчилик меросини давом эттирадилар ва уларнинг ижро усуллари шаклланиб боради. 20-асрнинг 2-ярмида қизиқчиларнинг янги авлоди қизиқчилик майдонига кириб келади. Уларнинг ижролари анъанавий театр мероси, ижро маданияtidан таъсирланган бўлсаларда, қизиқчиликнинг миллий анъаналарига таянганлар. Шунингдек жаҳон кулгу усталарининг қизиқчиликда эътиборга сазовор бўлган ижод наъмуналаридан таъсирланган аснозда ўз

дастурларини ўзлари тўкиб,ўзлари ижро этганлар.Қизиқчилик муқаллидлик санъати усталари ижроси санъат даражасига етгунга қадар, халқ оғзаки ҳисобланган ижодидан,маҳаллий аҳоли терминларидан кенг фойдаланиб борганлар.Қизиқчилик қадимий дор ўйинлари давомида ҳам намоиш этилиб келган.Тарихий манбааларга таянадиган бўлсак,дорбозлик 2,5 минг йил аввал Шарқ мамлакатларида пайдо бўлганлигини биламиз.Сўнгра кейин аста бутун дунё халқлари орасида тарқала бошлаган.Дастлабки дор қурилмалари паст бўлган ва секин аста баланд қурила бошлаган.Ўзбекистон миқёсида дор қадимги тарихга эга ҳисобланиб,баъзи манбааларда ёзилишича Амир Темури саройида дор ўйинлари кўрсатилганлиги битилган.Айниқса Кува,Асакада жуда тараққий этган эди.Ўтмишда ўзбек дорбозлари Хитой,Ҳиндистон,Афғонистон,Эрон,18-19 асрларда Россияда машҳур бўлганлар.Бу вақтда ўзбек дорбозлари 30 мт гача бўлган баландликдаги дор устида намоишлар кўрсатганлар.Ҳар бир дорбозлар груҳида ўзининг қизиқчи-масҳарабозлари бўлиб,улар дор ўйинлари давомида махсус чиқишлар қилганлар.Қизиқчилар тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрларни юмий йўли билан халққа етказишга уринганлар.Албатта борча даврининг ўзига ҳос сиёсий-иқтисодий вазиятлари бўлган.Қизиқчи ва муқаллидларимиз жамиятда учрайдиган иллатларни кулги йўли билан оммага намоиш этишган. Мустақиллик даврида Мирзобек Холметовнинг “Мирзо”,Обил Асомовнинг “Обид – А “ каби ва яна таниқли бўлиб ҳозирда эл оғзига тушган “Қаҳқаҳа”, “Ҳандалак” каби қизиқчилар груҳлари ҳозирги кундаги халқимизнинг асл қизиқчилари ҳисобланган . Дарҳақиқат маълумки ҳар бир фарзанд ўзининг аجدодлари, ва ота-онаси билан фахрланиши,ўз навбатида,ота-она ҳам фарзандларининг ифтихор қилишган лойиқ киши бўлиши Шарқнинг фалсафасини мазмун-моҳиятини теран ифода этади.Ўз навбатида,ўзбек халқининг юксак маънавий қудрати,унинг одамийлик фазилатлари,меҳр-оқибати,мардлиги ва олийжаноблиги кўплаб тарихий мисолларда мавжуддир.Қадимий санъатнинг тарбиявий ўғитлари миллий тарбия ҳисобланган тизимимизда ҳам учратамиз.Улар халқимизга азалдан ҳос бўлган шарму-ҳаё,андиша,ота-онага бўлган чексиз ҳурмат,катталарга эҳтиром,кичикларга шавқат каби олижаноб ҳисобланган фазилатларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Фойданилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
2. "Тафаккур" ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал.
3. "Мозийдан садо"-илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал.